Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 5 июнь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 45 (7138)

Da`vat

Яхши китоб кўтариб олган одам ҳеч қачон ёлғиз эмас.

К. ГОЛЬДОНИ

Ibrat

Ховос тумани ҳокимиятида яхши бир анъана ташкил қилинган. Яъни ҳар ўқув йили якунида ўрта мактаб битирувчиларидан энг аълочи, энг фаол, энг изланувчан ва энг ҳурматли деб топилган ўқувчилар туман ҳокимининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланаяпти.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиқди.

• Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи» республика илмий семинари қатнашчилари Президент Ислом Каримов номига мурожаатнома йўллашди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу йилнинг 16 февраль куни Тошкентда мамлакат Президенти ва бошқа давлат раҳбарларини жисмоний йўқ қилиш, конституциявий тузумга қарши қўпорувчилик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланаётган 22 нафар шахсга нисбат очиқ суд жараёни давом этмоқда.

• МДҲнинг давлатлараро статистика қўмитаси маълумотига кўра ишлаб чиқариш ҳажми Белорусда 5,4%га, Ўзбекистонда 5,1%га, Озарбайжонда 4,1%га ўсган бўлса, Молдавияда 26,5%га Қозоғистонда 4,6, Грузияда 4,3%га Қирғизистонда 4,2%га Украинада 2,7%га Арманистонда 2,5%га, Россияда 0,5%га камайган.

•1995 йилда Россия ва Грузия ўртасида Грузияда Россия ҳарбий базалари сақланиши тўғрисида 25 йил муддатга шартнома имзоланган бўлишига қарамай, шу кунларда Грузия ҳудудидан Россиянинг барча турдаги ҳарбий қисмларини босқичма-босқич олиб чиқиб кетиш хусусида музокаралар давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасинини қарори

1999/2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

«Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармонларини бажариш юзасидан замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини етук педагог кадрлар билан таъминлаш, олий таълим тизимидаги ислоҳотларни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги маркетинг изланишлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танлаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1999/2000 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 43653, шу жумладан, 21839 давлат грантлари ва 21814 тўлов-контракт асосидаги қабул квоталари белгиланиб, улар Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасалари ҳамда таълим йўналишлари бўйича тақсимлансин.

2.Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар:

1998/99 ўқув йили якунида, олий таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлаш таълим стандартлари бажарилиши ва ўқиш муддати тугаши туфайли, бакалавр кадрларнинг биринчи чиқишини таъминласинлар;

1999/2000 ўқув йилидан олий таълим муассасаларида бакалавриат негизида аниқ мутахассисликлар бўйича магистратурага қабулни бошласинлар.

Мазкур ўқув йилига магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул квоталари 3,0 минг, шу жумладан, 1,2 минг давлат грантлари ва 1,8 минг тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар аниқланган олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича тақсимлансин;

магистратурага қабул рухсат этилган олий таълим муассасаларида 1999 йил 1 августига қадар таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари, дарсликлар, педагогик ва ахборот технологиялар ҳамда педагог кадрлар сифати Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари даражасида таъминлансин;

Давлат тест маркази билан биргаликда халқаро журналистика, журналистика, мусиқа таълими, чизмачилик ва тасвирий санъат, жисмоний маданият, санъат ва маданият, меъморчилик, дизайн, испан ва шарқ тиллари, чақириқ-қача ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия таълим йўналишлари бўйича абитуриентларни тест синовлари билан бир қаторда касбий (ижодий) имтиҳонлардан ўтказишни ташкил этсинлар ҳамда бир ҳафта муддат ичида ушбу масала юзасидан қабулга оид меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш учун Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

3. Олий маълумот тўғрисидаги бакалавр ва магистр дипломларининг давлат намуналари тасдиқлансин.

4.Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида магистратурага қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низом»ни ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсинлар.

5. 1999/2000 ўқув йилига тиббиёт олий таълим муассасалари қошида илк бор ташкил этилаётган 3 йиллик олий малакали ҳамширалар тайёрлаш бўлимларига умумий қабул квоталари 180, шу жумладан, 90 давлат грантлари ва 90 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар республика тиббиёт олий таълим муассасалари бўйича тақсимлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус тиббий маълумот негизида олий малакали ҳамширалар тайёрлаш бўлимларига қобилиятли талабаларни танлаб олиш ва ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш мақсадида:

бир ҳафта муддат ичида «Олий малакали ҳамширалар тайёрлаш тўғрисида Низом» ва тегишли давлат таълим стандартларини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсинлар;

Давлат тест маркази билан биргаликда, 10 кун муддат ичида, абитуриентларни тест синовлари билан бир қаторда амалий кўникмаларини аниқлаш учун зарур касбий имтиҳонлардан ўтказиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқсинлар ва Давлат комиссиясига тақдим этсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

8. Давлат комиссиясига:

абитуриентлар қабули барча учун (ҳам давлат грантлари, ҳам тўлов-контракт бўйича) тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари асосида тест синовлари натижасида тўпланган балларнинг рейтинги бўйича ташкил қилинсин. Бунда энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг биринчи навбатда давлат грантлари бўйича, сўнг қолган абитуриентларнинг белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқлари таъминлансин;

10 кун муддат ичида «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига бакалаврлар тайёрлаш бўйича талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида Низом»га;

тест синовлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, тўлов-контракт асосида белгиланган умумий қабул режаси доирасида, қабул кўрсаткичларига зарур бўлган ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

9. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирлик ва идоралар Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида ўзларига қарашли таълим муассасаларида давлат грантларини ва тўлов-контракт асосидаги бакалавриат ва магистратура бўйича ўринлар квотасини таълим шакллари ва тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларни Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

10. Молия вазирлиги 1999/2000 ўқув йилига белгиланган давлат грантлари асосида бакалавриат ва магистратурага ҳамда олий малакали ҳамширалар тайёрлаш учун қабулни ҳисобга олган ҳолда бюджетдан зарур маблағлар ажратишни таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 майдаги 228-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 2 июнь

Қарорга шарҳни 2-саҳифада ўқийсиз

Ўқитувчи ён дафтарига

ДАСТУР 50 МАМЛАКАТДА

Ҳозирги пайтда қиз болалар саводини чиқариш бўйича ЮНИСЕФнинг махсус дастури 50 та мамлакатда амалга оширилмоқда. Бу ҳаракат айниқса, Африка, Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ минтақаларида авж олганлиги шу ҳудудларда бунга эҳтиёж катта эканлигидан далолат беради.

«СОРОС» ФОНДИ АМАЛИЁТИДАН

Белгия, Дания ва Франция каби саноатлашган мамлакатларда 3 ёшли боланинг 80 фоизи мактабгача тарбия муассасаларига жалб қилинган. Бугунги кунда 23 та Ғарбий Европа ва Осиёнинг мамлакатларида «Сорос» халқаро фонди янги ўқув дастурини талқин этмоқда. Дастур болалар учун Халқаро манбалар томонидан ишлаб чиқилган.

ТАЪЛИМ ҲОМИЙЛАРИ

Жаҳон банки айни чоғда таълим жараёнларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашда энг нуфузли манбалардан ҳисобланади. Гарчи 90 йилларга келиб таълимнинг ягона ҳомийси мавқеини сақлаб қололмаган бўлса-да, банк ўз заёмларини 5 - 10 фоизи миқдорида таълим тараққиёти йўлида сарфлаб келмоқда.

ИМКОНИЯТ БОР

Мана шу ўн йилликда ер юзидаги болаларга бепул, замонавий билимлар беришга етарли шароит яратиш мумкин. Бунинг учун ҳар йили 7 млд. доллар (АҚШ) сарфлаш керак бўлади. Бу сумма Европада музқаймоқ учун сарфланадиган бир йиллик суммадан ошмайди.

БУ ЙЎЛДАН ҚАЙТИНГ!

Унинг манзили афсус

Munosabat

Эсласам, ҳадсиз ўйлар миямни чулғаб олади. Даҳшатли портлашлар овози бутун шаҳарни тутиб, нималар бўлаётганини билмай турганимизда миналар биз турган бинога ҳам ҳаратилганлиги хаёлимга келмаганди. Кутилмаган қаттиқ силкиниш. Дераза ойналарининг парчаланиши, синишлар, кўчишлар, бино (20 қаватли) ичидаги бесаранжомлик қуршовида бўлган лаҳзаларимдан қолган таассуротлар мени тарк этишини тасаввур ҳам қилолмайман.

Ҳа, бу воқеаларни ҳеч ким унутмайди. Унутолмайди. Ўша куни халқимиз эътиқодига, миллат қалбига тажовуз қилинди.

Мана, орадан 3 ойдан зиёдроқ вақт ўтди. Ҳамма бу мудҳиш воқеага ўз муносабатини билдирди. Нафрат. Лаънат. Ғазаб. Бу жиноятларни содир этганларнинг кирдикорлари очиб ташланаяпти. Уларнинг диний экстремистлар эканлиги аён бўлди. Хўш, бундай қабиҳ ишларни амалга оширишга уларни нима мажбур қиляпти? Уларни бу йўлга бошлаётганларнинг, рағбатлантираётганларнинг мақсади нима? Ўша мудҳиш воқеадан илгарироқ ҳам, ундан кейинги ўтган вақт ичида ҳам телевидение, радио, матбуот орқали шундай диний оқимлар, уларнинг қилмишлари, мақсади ҳақида кўп марта эшитдим. Менга энг ёмон таъсир қилган нарса шу бўлдики, Конституциямизга зид тарзда фаолият кўрсатаётган оқимларга ва ташкилотларга ҳаётга эндигина қадам қўяётган 17-18 ёшлардаги—мен тенги болалар, ёшлар ҳам қўшилиб қолган экан. Ахир, бу — ўзини сиртмоққа тутиш, чоҳга ташлаш-ку! Умуман, одамлар, айниқса ёшлар нега бундай диний, аниқроғи муқаддас динимизни ўзига ниқоб қилиб олган оқимларга қўшилиб кетди?

Уларнинг бу йўлга юришга иқтисодий қийинчиликлар мажбур қилган бўлса, улар қаттиқ адашганлар. Бу — ўткинчи ҳол. Биргина мисол.

Иккинчи жаҳон урушидаги мағлубият натижасида чидаб бўлмас даражадаги иқтисодий инқирозни бошдан кечирган япон халқи ўз бўйнига барча қийинчиликларни олиб, бутун диққат эътиборини таълим-тарбияни ривожлантиришга қаратганлар. Бинобарин, улар ҳали кўп қора кунларни бошдан кечиришлари кераклигини билганлар. Улар 10 йил, керак бўлса, 20 йил сабр билан яшашга рози бўлганлар. Япония давлати ҳозирги кунда иқтисодий ривожланиш, аҳоли турмуш шароитининг аҳволи, илм-фан, техника ривожланиши ва бошқа кўплаб соҳалар бўйича дунёда энг юқори ўринларни эгаллайди. Муҳими, улар ўша пайтда жипслашиб, бир ёқадан бош чиқариб, ажралмай ҳаракат қилдилар.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда барча фуқаролар эркин, ўзи истаганича яшаши учун барча шароитлар яратилган. Масалан, мен Андижондан Тошкентга илм ўрганиш учун келганман. Агар билимим, кучим етса, хоҳлаган олий ўқув юртига кириб ўқишим мумкин. Диний билим ўрганмоқчи бўлсам, унинг учун ҳам махсус университет ташкил этилди, барча масжидларнинг эшиги очиқ, хоҳлаган еримда намоз ўқишим мумкин. Хўш, ўша диний ақидапарастликка асосланган давлат қурамиз деганларга бундан ортиқ яна қандай диний эркинлик, шахсий ҳуқуқлар, кафолатлар керак? Агар бу ишлар пул, бойлик, мансаб, ҳокимият учун қилинган бўлса, бу разиллик, тубанликдир.

Парвардигори олам ислом динидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланган ҳар қандай шахсни ўзи жазолайди. Бундай кимсалар ислом динида ҳам «мунофиқ» деб қораланган.

Қомусий билимлар соҳиби, бобомиз Форобий: «Ўқиш, уқиш ва амал қилиш», деган эканлар. Бу фикр кейинчалик «буюк доҳий» томонидан ўзлаштирилиб, «Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш» деган мутлақо мантиқсиз тарзда талқин этилган. Бугун бузғунчилик билан шуғулланиб юрган ақидапарастларга мурожаатим шу — агар ислом динини ўқиган, ўрганган бўлсангиз унга амал қилинг! Исломда ҳам мусулмонларнинг бир-бирига зарар келтириши, душманлик қилиши, ноҳақ қон тўкиши энг қатта гуноҳ, деб айтилган. Бу йўлдан қайтинг! Муқаддас динимизни топтаманг! Ўз Ватанингизга, туғилган юртингизга қарши борманг! Зеро, шундай жиноят борки, уни оқлаб бўлмайди, бу – Ватанга хиёнат!

Ботиржон ҒОФУРОВ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 63-мактабда ҳам имтиҳонлар жараёни қизғин кечмоқда.

Компьютер қаршисидан қувонч билан узоқлашаётган ҳар бир ўқувчи ҳаяжонлари астагина табассумга айланади.

Суратда: ҳар ишда синфдошларига ибрат бўлган 9-«А» синф ўқувчиси Лобар Рашидова навбатдаги синовда ҳам «аъло» натижага эришди.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат

Техникага қизиқаман, лекин... 2-бет

Олий таълим вазирлиги тавсия этади 3-4-бетлар

БУХОРОДА ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

An'ana

1-2 июнь кунлари Бухорода Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасалари ўқувчи-ёшлари ўртасида давом этаётган навбатдаги анъанавий республика қўшиқ байрамининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

Лабларида беғубор табассум, чеҳраларида завқ, қувонч, ажиб кўтаринкилик, замонага шукрона туйғулари акс этган, қўлларига мамлакатимиз байроғи, гулдасталар тутган, яшил рангли бош кийимларига хумо қуши тасвири туширилган минглаб болажонлар оқими Бухоро шаҳридаги улуғ муҳаддис Имом ал-Бухорий номидаги майдонга ошиқади. Мармар фавворалардан отилаётган сув уфқ сари оғаётган қуёшнинг заррин нурларида биллурдек товланади. Майдон узра тайёрланган улкан саҳна атрофи меҳмонлар, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари билан гавжум.

Шу тариқа бу ерда Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасалари ўқувчи-ёшлари ўртасида ўтаётган «Ўзбекистон Ватаним маним» республика қўшиқ байрамининг якунловчи босқичи бошланди. Унда тадбирнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят босқичларида ғолиб чиққан бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирок қилдилар.

Республика халқ таълими вазири Ж.Ғ.Йўлдошев, Бухоро вилояти ҳокими С.Қ.Ҳусенов тўпланганларни унутилмас шодиёна билан қутлаб, эзгу истакларини билдирдилар. Мамлакатимиз давлат мадҳияси янгради. Шундан сўнг барча қатнашчилар Пўлат Мўмин шеърига Надим Норхўжаев мусиқа басталаган «Салом, қўшиқ байрами!», Мурод Раҳмон шеърига Шермат Ёрматов мусиқа басталаган «Ислом бобо» қўшиқларини ижро этдилар. Майдонни тўлдирган уч минг нафардан ортиқ болажонлар жўровоз жаранги, қўлларидаги байроқчалар, гулларни бошлари узра баланд кўтариб силкитишлари оҳиста чайқалаётган чаманзор мисол кўнгилларга кўтаринкилик, ажиб кайфият бағишлади. Ана шундай руҳда қарийиб уч соат давом этган байрамнинг очилиш шодиёнасида турли бадиий жамоалар ўнлаб оммавий қўшиқларни куйладилар. Қўшиқ байрами хушовоз хоннанда, Республикада хизмат кўрсатган артист Абдулхай Каримов ҳамда барча қатнашчилар жўрлигидаги «Ҳой болалар» ва «Той бола» қўшиқларининг ижроси билан якунланди. Бу ерга тўпланган катта-ю кичик иштирокчию томошабин, ҳамма бахтли болалик, қўшиқ, санъатнинг мўжизавий оламига ошно бўлдилар. Тадбир сўнгида таъбир жоиз бўлса, майдон оммавий ўйин саҳнасига айланиб кетди.

Албатта, қўшиқ байрамининг бу даражада кўнгилли, юқори савияда ўтишида концертнинг бош режиссёри ва хор мэйстри, Ўзбекистон халқ артисти, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раисининг биринчи ўринбосари, таниқли бастакор Шермат Ёрматов, бадиий раҳбари — Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев, балетмэйстери Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Мадраҳимоваларнинг муносиб хизматлари алоҳида таъкидлаш жоиздир. Вазирлик ўтказган бу тадбирга Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳар томонлама кўмаклашди.

Танловда қатнашиш учун Бухорои шарифга ташриф буюрган бадиий ҳаваскорлик жамоалари эртаси куни шаҳардаги Абу Али Ибн Сино номидаги маданият саройига тўпландилар. Томошабинлар, меҳмонлар билан лиқ тўла ҳашаматли залда улар ўз санъатларини ҳакамлар ҳайати ҳукмига ҳавола этишди. Қўшиқлар рақсларга уланди. Яккахон хонандалар, хор ва фольклор дасталарининг бири бошқасидан жозибали чиқишларини мароқ билан томоша қилдилар. Анъанавий Республика қўшиқ байрамининг ўтган йилги ғолиби Бухоро вилояти, Ғиждивон туманидаги болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказининг вокал чолғу дастаси бу йил ҳам вилоят шарафини ҳимоя қилди. Бу ижодий жамоа мазкур тадбирда «Аёл муқаддасдир, Ватан муқаддас» номли мусиқали композицияси билан қатнашди. Композиция парда ортида оппоқ либосга йўғрилган чақалоқ кўтарган она сиймоси намоён бўлиши билан бошланди. Ўта маҳорат , меҳр ва нафис ҳаракатлар уйғунлиги билан ижро этилган бу чиқиш замирига она Ватан тимсоллари мазмунан муштараклиги, инсон ҳаёти мазмуни шу ҳар иккала буюк тушунча замирида мужассамлиги, улар олдида бурчлилиги ғоялари моҳирона сингдириб юборилган.

(Давоми2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 июндаги «1999/2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига

ШАРҲ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни,Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармонларини бажариш юзасидан замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини етук педагог кадрлар билан таъминлаш, олий таълим тизимидаги ислоҳотларни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги маркетинг изланишлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танлаб олиш мақсадида ҳукуматимизнинг муҳим қарори қабул қилинди.

1999/2000 ўқув йилида бакалавриатга — 43653, шу жумладан, 21839 давлат грантлари ва 21814 тўлов-контракт асосида талабалар қабул қилинади.

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда магистр кадрларни аҳамиятини эътиборга олиб, уларга бўлган эҳтиёжни қондиришда олий таълим муассасаларининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда 1999/2000 ўқув йилида 26 та олий таълим муассасасида бакалавриат негизида аниқ мутахассисликлар бўйича магистратурада ўқиш учун 3,0 минг, шу жумладан, 1,2 минг давлат грантлари ва 1,8 минг тўловконтракт асосида талабалар қабул қилиш режалаштирилди.

Бунинг натижасида мамлакатимизда олий таълим тури бир босқичли тизимдан икки босқичли тизимга ўтиши таъминланади.

Республикамизнинг тиббиёт олий таълим муассасалари қошида илк бор ташкил этилаётган 3 йиллик олий малакали ҳамширалар тайёрлаш бўлимларига алоҳида 180 та, шу жумладан, 90 та давлат грантлари ва 90 та тўлов-контракт асосида ўринлар ажратилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ўрта махсус тиббий маълумот негизида олий малакали ҳамширалар тайёрлаш бўлимларига қобилиятли талабаларни танлаб олиш ва ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш мақсадида аниқ вазифалар берилди. Хусусан, муайян давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, абитуриентларни тест синовлари билан бир қаторда амалий кўникмаларини аниқлаш учун зарур касбий имтиҳонлардан ўтказиш белгиланди.

Жами олий таълим муассасаларига 1999/2000 ўқув йилига 46833 (23129 давлат гранти ва 23704 тўлов-контракт асосида) талабалар қабули амалга оширилади, бу ўз навбатида 1998 йил қабул кўрсаткичларига нисбатан 4833 тага кўпдир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ушбу қарорга биноан, 1998/99 ўқув йили якунида, олий таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлаш таълим стандартлари бажарилиши ва ўқиш муддати тугаши туфайли бакалавр кадрларнинг биринчи чиқиши таъминланади. Шунингдек, олий маълумот тўғрисидаги бакалавр ва магистр дипломларининг янги давлат намуналари тасдиқланди.

БАРҚАРОРЛИК — ҚАДРЛИ НЕЪМАТ

Munosabat

Турмушимиздаги бугунги ижобий ўзгаришлар баркамол авлодни тарбиялаш ишқида ёниб яшаётган халқимиз кўз ўнгида рўй бераётгани билан ҳам қадрлидир. Бугун Ўзбекистон, ўзбек халқи тимсолида яратувчанлик, маърифатпарварлик сингари инсоний фазилатлар қайта жонланмоқда. Истиқлол арафасида турмуш даражаси бизникидан 50 йил илгарилаб кетганлиги қайд этилган мамлакатлар эндиликда Ўзбекистон билан ҳисоблашишга эҳтиёж сезаяпти. Бунинг боиси бор, албатта. Ўзининг узоқ ўтмишидан руҳланиб, бугунги фаровон турмушидан қувват олаётган халқимиз дунё ҳамжамиятида ўз мавқеини, салоҳиятини кундан-кунга орттириб бораяпти. Ва ушбу буюк ишлар бошида халқпарвар юртбошимиз турганлигини ҳар бир фуқаро чуқур ҳис этиб турибди. Демак, ўтган қисқа вақт танлаган йўлимиз, ҳукуматимиз юргизаётган сиёсат нақадар тўғри эканлиги кўрсатиб турибди. Лекин сўнгги вақтларда тинч ҳаётимизга бўлган таҳдид бирмунча ортиб бораётгани кўпчиликни бефарқ қолдираётгани йўқ. Қўшни Тожикистонда рўй бераётган воқеалар халқимизни безовта қилаётгани маълум. Буни таҳририятимизга келаётган мактублардан ҳам, жойлардаги мулоқотлардан ҳам аниқ равшан сезиш мумкин. Ўша фикрларнинг баъзиларини сиз билан ўртоқлашишга қарор қилдик.

Зулхумор Йўлдошева, тарих фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри:

— Асримиз сўнгида ер юзидаги «оловли нуқталар» қайта авж олиб бораётгани аянчли. Бу ҳол мамлакатимиз сингари тинч, осойишта, яратувчанлик кайфиятидаги ҳудудлар ҳаётига раҳна солмоқда. Айниқса, қўшни Тожикистондаги сўнгги воқеалар ҳар биримизни ларзага солди. Бундай қора амаллар бошида турган кимсалар ишидан бутун халқ, ҳимояга муҳтож болалару қариялар азоб чекаётгани ҳолда ёвуз ниятлилар ўзларини ҳақ деб билаётганларида бизнинг хотиржам ўтиришимизни ҳеч қандай сабабини оқламайди. Биз бугун огоҳ бўлишимиз, уйғоқ туришимиз керак. Оилада, маҳаллада, иш жойларимизда бир биримизнинг хатти-ҳаракатларимиз ва асл ҳолатимиздан хабардор бўлишимиз лозим. Чунки ёвузлик ҳеч қандай инсоний фазилатлар билан ҳисоблашмайди.

Сайёра Исмоилова, инглиз тили ўқитувчиси, Наманган вилояти:

— Оммавий ахборот воситалари орқали Тожикистонда юз бераётган ёвузликлардан хабардор бўлгач, ўйланиб қолдим. Қўли қонга ботган аламзадалар мақсади барчага аён бўлди. Айни пайтда бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бир халқ, бир миллат мисолида одил ҳукуматимиз фаолиятига камарбаста бўлишдан иборат. Бу борада биз — ўқитувчилар ҳам кўп нарсадан огоҳ бўлишимиз керак. Мактаб битирувчиларининг кейинги фаолиятида оила ва маҳалла ролини оширишга эришиш керак. Токи, «ўқиш» ёки «пул топиш»га кетган, дея хотиржам бўлиш оқибатидаги нохушликлар такрорланмасин.

Инон Одилов, кекса педагог, Тошкент вилояти:

— Мусулмончиликка, инсонийликка ёт бўлган талабларини бажармаганлиги учун қўл остидагиларни бўғизлаб юборишдан ҳам қайтмайдиган кимсалар мавжудлигининг ўзи катта хавф. Қўшнинг тинч - сен тинч! Афсуски, қўшнимиз тинч эмас. Бу бизни ғафлатда қолмаслигимиз учун сергаклантириши керак. Огоҳ бўлиш атрофдаги воқеалардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. Ҳар биримиз вазиятни таҳлил этиб, фикр юритишимиз тақозо этилади. Жамиятни қурол, қон, жаҳолат воситасида қайта қуриш буюк келажак сари интилаётган халққа қандай «наф» келтириши мумкинлигини кўз кўриб, қулоқ эшитиб турибди. Демак, касби коримиздан, кундалик фаолиятимиздан, ихтисослигимиздан келиб чиқиб атрофимиздагилар, айниқса, ёшлар тўғри йўлдан адашмасликлари учун кенг қўламда амалий ишларга киришишимиз керак. Вазифаларимиз аниқ бўлиши учун оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлигига эътиборни қаратиш лозим.

Ф.КАРИМОВ

МИЛЛИЙ ИҚТИСОД МУРҒАКЛАР ЭТЪИРОФИДА

Иқтисодий тарбия бугунги ҳаётимизнинг асосий вазифаларидан биридир. Ота-боболаримиз фарзандларини қадимдан тежамкорликка, саранжом-саришталикка, ишбилармонликка ургатиб келганлар. Мирзо Улуғбек туманидаги "Зарнигор" номли 332-болалар боғчасида болаларга иқтисодий тарбия беришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Иқтисод асосларини болалар қалбига сингдиришда таълим-тарбиянинг барча воситаларидан, хусусан бевосита иқтисодий ўқув машғулотлари, қизиқарли ўйинлардан унумли фойдаланилаётир. Машғулотларда бозор муносабатларига доир мавзулар халқимизнинг миллий анъаналари билан уйғунликда олиб борилаётганлиги жуда яхши самара бермоқда.

Мазкур кичкинтойлар масканида "Иқтисодий билимлардан фойдаланган ҳолда миллий байрамларимизни ўтказиш" мавзусида шаҳар миқёсида бўлиб ўтган семинар-машғулоти бўлиб ўтди.

Анжуман ниҳоясидаги давра суҳбатида баҳс-мунозаралар бўлиб, таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Муяссар УМИРОВА.

ЖЎЖАНИ КУЗДА САНАЙМИЗ

ёхуд маълум бир мактаб муваффақияти унинг қанча ўқувчиси олий ва ўрта махсус билим юртларига кирганлиги билан белгиланади

Бу жараённи бир сўз билан – **имтиҳон** деймиз. Имтиҳон натижалари эса, ўз навбатида баъзи меъёрларни ўзида мужассам этади. Аввало, ўқувчи олган «баҳо» унинг йил давомида қилган меҳнатию изланишларининг самараси дейиш мумкин.

Биз ҳам қайноқ дамлар нафаси уфуриб турган жараённи кузатиш мақсадида пойтахтимиздаги 111-мактабга кириб бордик. Битирувчи синф ўқувчилари болалик, ўсмирлик лаҳзалари кечган масканда сокингина жам бўлишган. Улардаги доимги шўхликлару ҳазил-мутойибалар ўрнини жиддий ҳаяжон эгаллаган. Бу ўғил-қизларни ташқарида кутиб турган, билим олишларида устозлик қилган ўқитувчилари қаршисига еруғ юз билан чиқиб бориш масъулиятидир.

Бугун синов. Тест. 11-синфларнинг она тили ва адабиёти фанидан давлат имтиҳони якунида мактабнинг шу фан бўйича ўқитувчиси Мамлакат Асатиллаева қуйидагиларни гапириб берди:

— 1989-90 ўқув йилида мактабга қабул қилинган синфлардан бирини олганман. Мана, ўша синф 11-«А» бўлиб мактабни битираяпти. Роппа-роса 10 йил биргина шу синфга раҳбарлик қилдим. Бари боламдай бўлиб қолди. Уларнинг она тили ва адабиёти фанидан битириш имтиҳонида ёзган иншоларини ўқиб ўн йиллик чарчоғим чиқиб кетди. Кўплари «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Аёл дунёни тебратар» каби эркин мавзуларда ёзишибди. ХХ аср адабиётига оид берилган «А. Қаҳҳор — сўз устаси» мавзуида ёзилган бир иншони ўқиб, ўқувчиларимни адабиётни англашга, тушунишга ўргата олганимдан ғурурланиб кетдим. Қисқаси, ҳар бир матнда ўқувчининг ўз фикри, ғояси ва машъум феврал воқеаларига муносабатлари аск этган. Бу ҳаётга қадам қўяётган ёшлар онгида истиқлол руҳи уфуриб турганидан далолатдир.

Шундан сўнг айрим ўқувчилар билан суҳбатда бўлдик. Аниқса, 11-синф битирувчиси Азизжоннинг гаплари бизга маъқул бўлди:

— Бугун катта ҳаёт остонасида турибмиз. Ортимизда маърифат ўчоғи, олдимизда ҳаёт мактаби. Асосийси, бизда фикр бор, мақсадимиз буюк —келажак қуриш, йўлимиз маърифат — саодат йўли. Бир битирувчи ўқувчи сифатида минглаб тенгдошларимни ўз билим ва кўникмалари билан ватанимиз бағрида бир қувонч янглиғ намоён бўлишга чақираман...

Собир Раҳимов туманидаги эл эътиборига тушган бу масканда таълим-тарбия, бошқарув ва назорат ишлари намунали ташкил этилганлиги ҳар бир хатти-ҳаракатда сезилиб туради. 40 йилдирки, рус тилидан дарс бериб келаётган Мария Мушееванинг компьютер қаршисида ўтирган битирувчилар натижаларини ҳотиржам қайд этишида ҳам бир маъно бордек; ..96 балл, ...94 балл, ... 89 балл, ... 99 балл.

Шундай бўлса-да, бу ҳам ҳаммаси эмас. Имтиҳонлар ўқувчилар, аниқса, битирувчиларнинг катта ҳаёт қаршисида ўзини кўрсатувчи кўзгу вазифасини ўтайди. Ўзингизни кўриб, фикр юритасиз. Хўш, шу ҳолда келажак томон қайси кўчадан борган маъқул: олий ўқув юрти, бозор, касб-ҳунар, ...

Жўжани эса кузда санайдилар. Биз фақат саноқлар салмоқли бўлишини тилаймиз.

Фахриддин КАРИМОВ

* * *

Шундай имтиҳонлардан бири пойтахтимиздаги 134-мактабда кузатилди. 9-«А» синф ўқувчиси У. Раҳматуллаева томонидан «Ватан қалбимизда» мавзусидаги ижодий баён танлаб олинди. Мазкур мавзу матнининг асосий қисмида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган 16 февраль воқеалари акс эттирилган.

Jarayon

Битирувчиларнинг ёзган ижодий баёнларини кузатар эканмиз, уларнинг Ватанга ҳамда юртбошимиз Ислом Каримовга бўлган чексиз муҳаббатнинг гувоҳи бўлдик. Ўқувчилар Ватанга тавсиф бера туриб шундай ёзадилар: — Ватан – бу шундайин муқаддас маконки, уни дея инсонлар фидойилик қиладилар. Ватан-инсон туғилиб ўсган макон Ватан учун қон тўккан не-не инсонлар бор. Ватан учун жонини аямай ҳалок бўлганлар: Жалолиддин Мангуберди, Шоҳ Феруз, Спитамен, Широқ, Тўмарис... Ватанни саждагоҳдек пок, тоза, озод муқаддас сақлаш учун ўз жонларини аямай мардларча ҳалок бўлсалар-да, биз нечук бу муқаддас она тупроқни қадрламаслигимиз, қандайдир террорчи – Ватан хоинларига хор қилиб қўйишимиз керак».

Баёнларда ўқувчиларнинг давлатимиз сиёсатига таҳдид солмоқчи, тузини еб тузлиғига тупурувчи қўрнамакларга бўлган нафратлари аск эттирилган. Юртимизнинг келажагига, халқимизнинг жипслигига, барқарорлигига раҳна солмоқчи бўлаётган шахсларга ҳам жазодар борлигини таъкидлаганлар. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий судида ушбу қабиҳ ишга қўл ўрганларнинг 22 нафари устидан бошланган суд жараёни ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Шунингдек, халқимизнинг доно, қатъиятли, фидоий раҳбарига суянган ҳолда юртимизнинг барқарорлиги учун ҳамжиҳатлик, якдиллик билан иш олиб боришга ва бутун Ўзбекистон ёшлари номидан юртбошимизнинг ишончини оқлашга, юртнинг, элнинг, илмнинг ривожига-ривож қўшишга тайёрликларини билдирганлар.

Фотима ХОЛМИРЗАЕВА, РТМ умумий ўрта таълим бўлими бош методисти

БУХОРОДА ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

(Боши 1-бетда)

Шуниси диққатга сазоворки, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси кафедра мудири, санъатшунослик фанлари номзоди Соҳибжон Бегматов бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати якдиллик билан фидойи мусиқачи Ражаб Авезов раҳбарлигидаги мазкур дастанинг айнан ана шу ижросини биринчи ўринга муносиб топишди. Республика ўқувчилар саройининг «Бойчечак» ва Тошкент шаҳридаги 222-мактабнинг хор жамоалари 2 - ўринни эгалладилар. 3 - ўрин эса, Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 19 - болалар боғчаси хор жамоаси, Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси қошидаги «Мерос» этнографик дастаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги 26-мактаб хор жамоаларига насиб этди.

Республика халқ таълими вазири Ж.Ғ.Йўлдошев ғолибларни эришилган катта муваффақият билан қизғин табриклади ва мукофотларни топширди ҳамда тадбирнинг ҳар томонлама юксак савияда ўтишида фаол кўмаклашган бухоролик мезбонларга самимий ташакур билдирди. Дилкаш ижрочилик санъати билан барчани қойил қолдирган Ғиждувонлик санъатсеварлар дастаси август ойида мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ 8 йиллиги арафасида Республика бошқа тармоқ вазирликлари, идора ва муассасалари ўртасида бўладиган анъанавий ялпи кўрик-танловда қатнашадилар. Унда Республикамиз халқ таълими вазирлиги шарафини ҳимоя қиладилар. Биз ўтган йили ҳам ана шундай юксак ишонч ва шарафга сазовор бўлган ҳамда «Туркистон» саройида бўлиб ўтган ижодий баҳсда «Яйрасин» қўшиғи билан қатнашиб, совринли 3-ўринни қўлга киритган навқирон истеъдод эгаларига бу йилги ялпи танловда ҳам улкан омад, янада катта зафар тилаб қоламиз.

«Санъат» инсон қалбида ватанга муҳаббат она халққа садоқат, эзгулик, яхшилик, гўзаллик туйғуларини тарбиялайди. Уларнинг теран илдиз отишида ҳаётбахш куч ҳисобланади, — дейди таниқли бастакор Шермат Ёрматов биз билан суҳбатда. – Анъанавий қўшиқ байрами, бу тадбир муносабати билан жойларда ўтказиладиган босқичма-босқич танловлар келажагимиз эгаларида ана шундай юксак умумбашарий фазилатларни камол топтиришда муҳим ва беқиёс восита бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари бу болажонларимизни изланишга руҳлантиради, ўз кучига ишонч туғдиради. Янада дадил ҳаракат қилишга ундайди, тенгдошлари билан яқинлаштиради. Бухородаги бу байрам кўпчилик мурғак қалбларга санъатнинг сеҳрли оламига дадил парвоз учун қанот бағишлаган бўлса, ажаб эмас.

Ҳа, Бухорои шарифда қўшиқ байрамида иштирок этган ёш истеъдодлар орасидан ҳам келгусида мамлакатимиз санъатининг ёрқин юлдузлари етишиб чиқишига, улар ўзбек қўшиқ ва рақс ижрочилигини жаҳонга кўз-кўз қилишига жуда-жуда ишонаман.

Бу эзгу ният , ёруғ туйғу нафақат менинг, балки мазкур тантанада қатнашган, навқирон истеъдодлар чиқишларини мириқиб томоша қилган барчанинг қалбида ҳам устивор эди.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

Xalq ta'limi va bozor iqtisodiyoti

Мустақиллик шарофатининг заррин нурлари ҳар жабҳада ўзининг ҳаётбахш жилваларини намоён қилаётир. Жумладан, халқ таълими тизимида ҳам. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» шу йўлдаги дастуриламалдир. Бу борада бизнинг Касби туманида ҳам самарали ишлар амалга ошириляпти. Бугунги кунда 51 та умумтаълим мактаби, 1 та лицей, 1 та гимназия, 22 та болалар боғчаси, 1 та спорт мактаби, 1 та футбол мактаби, 1 та болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази, 1 та иқтисодий таълим маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Умумтаълим мактабларида 33528 нафар ўқувчи ва боғчалардаги 1136 нафар кичкинтойларга 2480 нафар халқ таълими фидойилари замон талабларига хос ва мос таълим-тарбия бериб келмоқдалар. Республика Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг XIV сессиясида ва бошқа таълим ҳақида қилган маъруза, тавсиялари асосида атрофлича иш тутилиб, таълим ходимларининг барчаси қайтадан тест синовларидан ўтказилиб, узоқни кўзлаган аниқ режалар тузилди, оила, мактаб, маҳалла алоқалари яхшиланди, ўқитувчи, ўқувчи, боғча тарбияланувчисига, мактабга бўлган, ишга бўлган муносабат, фидоийлик тубдан ўзгарди.

Ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлаш, уни диагностик таҳлил қилиш, чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитиш, кичик олимпиадалар ўтказиш ва шу каби бошқа тадбирлар ўқувчиларда нафақат билим эгаллашга, уларнинг ҳар томонлама қизиқишларини ҳам оширмоқда. Чунончи, «Гуллар ва қушлар», «Ўзбекистонда қўшиқ байрами», «Алпомиш авлодлари», «Тўғарак раҳбари», «Йил методисти», «Ҳуқуқингизни биласизми?», «Она тарихимиз», «Ёш китобхон», «Табиат кеча, бугун ва эртага», «Спорт фестивали» каби кўпгина вилоят кўрик-танловларида фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқдамиз. Мавжуд ўқитувчиларимиздан 300 га яқининг иш тажрибаси кўп нусхада китобча ҳолатда нашр этилишига эришилди.

Бошланғич синфлар, айниқса биринчи синфларга эътибор алоҳида кучайтирилмоқда. Уларни овқатлантириш, бепул кийим-кечак, билан таъминлашнинг турли чора-тадбирлари кўрилиб, ижобий ҳал қилинмоқда. Чунончи, туман касаба уюшмаси 10750 сўмлик, пахта тозалаш заводи 83000 сўмлик, «Гулмурод бобо» фирмаси 4000 сўмлик, «Темур ота» фирмаси 10000 сўмлик, «Саховат» кичик корхонаси 2500 сўмлик, «Ободон» кичик корхонаси 50000 сўмлик дарсликларни ўқувчиларга олиб бердилар.

1998-1999 ўқув йилида илк бор биринчи синфга келган ўқувчиларга 12 турдаги 643846 сўм 60 тийинлик ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларнинг болалари учун 6897896 сўмлик 4 турдаги 9100 дона мавсумий кийим - кечаклар олиб берилган эди.

Айтиш жоизки, туманимизда 40 қа яқин ижодкор ўқитувчилар умумий ишимизнинг салмоғини оширмоқда. Булардан Мунаввар Мансурова, Гулсара Темирова, Дўстмурод Ҳақназаров кабилар 2-3 тадан китоб чиқариб, ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлганликлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўқитувчилар, кам даромадли оилалар, нафақадаги ўқитувчи тарбиячиларга ҳам хўжаликлар ҳисобидан арзон нархда дон маҳсулотлари олиб бериш, тарихий кунларни нишонлаш, саёҳат ва дам олишларга бепул йўлланмалар билан таъминлаш ҳар доимо диққат марказимизда бўлиб келаётир.

АНИҚ РЕЖАЛАР, ҚУВОНЧЛИ НАТИЖАЛАР

Ta'lim fidoyilari

ҲАЁТГА ТАЙЁРЛОВЧИ ЎҚИТУВЧИ

Болажонлар, мана сўнгги қўнғироқ ҳам бўлиб ўтди. Сизлар яна бир ёшга улғайдингиз, яна бир синф юқориладингиз. Бу улғайиш энди сизнинг одобу ахлоқингизда сезилиши керак.Синфдан-синфга ўтиш шунчаки бир ҳодиса эмас, у аввало ақлда, идрокда улғайиш белгисидир. Ана шунга муносиб бўлишга интилинглар.

Мана ёзги таътил ҳам бошланяпти. Бу фақат шаталоқ отиб чопиш эмас, балки йил давомида ўқиб ўрганганларини қайтариш, янги ўқув йилига тайёргарлик ҳам бўлиши керак...

Салима опа ҳар ўқув йили охирида таътилга кузатаётган ўқувчиларга шу сўзларни айтади. Шугина эмас, улар таътил пайти ўқиши лозим бўлган қўлланмалар, янги адабиётлар, нашриётларда чоп этилган эртак китоблар рўйхатини ёздиради...

Салима опани ҳурмат қилишади. Мактабда ҳам, маҳаллада ҳам, шаҳарда ҳам. Ҳарқалай, чорак аср бўлди унинг дарду ташвиши, қувончу армони — болалар, ўқувчилари. Мана чорак аср, опанинг ҳаёти бир қарашда тинч, осуда. Эрталаб мактабга, кечда мактабдан уйга. Лекин ана шу бир маром ҳаётнинг ўзига яраша ташвишлари борлигини ҳамма ҳам англаб етолмайди. Ўқитувчилик, айниқса, бошланғич таълим ўқитувчиси бўлиб ишлаш ўз жонингни азобларга қўйиб яшаш дегани.

Одамлар ўз фарзандлари ташвишидан ортмайдиган ҳозирги пайтда яна бир синф бола билан эрта кеч мулоқотда бўлиш, уларнинг ёш, беғубор, лекин серсавол, серташвиш дунёсига шерик бўлиш учун одамда катта куч, ирода бўлиши керак.

Опа таълим беришидаги муаммоли, дастурлаштирилган, ноанъанавий деб аталмиш услублари билан, ифода ва баёндаги самимийлиги, тилининг равонлиги, бола дунёсига яқинлиги билан ажралиб туради. Яна у талабчан. Топширилган вазифани қаттиқ талаб қилади. Уй вазифасини бажармай келган ўқувчиларни «тинч қўймайди». Барибир, бажаришга қўниктиради.

— Бир марта вазифани бажармай келиб, ўқитувчига сездирмаган бола, албатта, бу ишни иккинчи марта ҳам қилади, - дейди у. –Мана шу арзимаган ҳолат кейинчалик ҳаётда болага кўп панд беради. Катта масалаларга ҳам енгил-елпи қарайдиган, қўл учида иш қиладиган бўлиб қолади. Ҳаётда кўп қоқилади ва бунинг сабабларини ахтариб боши қотади. Сабаби эса ўша арзимаган ҳол - бир вақтлар уй вазифасини бажармай келиб, ўқитувчига билдирмай қутулгани эканлигини эса хаёлига ҳам келтирмайди.

— Ўқитувчидан-ку «қутулиб қолиш» мумкиндир, лекин ҳаётдан-чи?

Опанинг бу чуқур мушоҳадалари кишини ўйлантиради. Беихтиёр Салима Файзирахметованинг болаларни дарсларга эмас, ҳаётга ҳам тайёрлаётганини англаб етасан

Дарвоқе, опа Жиззах шаҳар Ойбек номидаги 7-мактабда бошланғич таълимдан дарс беради...

Ойгул КОЖАНОВА

ТЕХНИКАГА ҚИЗИҚАМАН, ЛЕКИН...

Таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида таълим муассасаларини замонавий технологиялар билан таъминлаш, ўқувчи-ёшларда техник воситалар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш масаласи ҳам ҳал этилиши лозим бўлган муаммо сифатида қайд этилган. Ҳозирда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида республика ҳудудларида бир қанча касб-ҳунар коллежлари барпо этилмоқда. Бу илм даргоҳларига Германия, Япония, Жанубий Корея ва бошқа ривожланган мамлакатлардан кўплаб техник жиҳозлар олиб келинаяпти. Аксарият ёшлар бу каби техник таъминланган коллежларда билим олишни хоҳлайдилар. Бунинг учун эса, уларда радио қурилмалари, машинасозлик ва электротехникага оид бошланғич билимлар, таассуротлар бўлиши керак. Демак, техник билимларга қизиқиш, эҳтиёж бор, аммо бу эҳтиёжни қондира оладиган, ўзбек тилида ёзилган техникага оид адабиётлар деярли йўқ. Фикримча, жаҳоннинг шу соҳа бўйича ривожланган мамлакатларида чиқадиган бундай техник, илмий-оммабоп журналларни ёшларга таржима қилиб берилса, улар техника оламининг кичик сирларидан хабардор бўлардилар.

Muammo

«Юный техник», «Знание и сила», «Сделай сам» ва бошқа техник журналларга ўхшаган ўзимизнинг журналларимиз бўлса. Бунинг учун, албатта, кенг қамровли дастурий ишлар олиб бориш тақозо этилади. Зеро, ёшлардаги қизиқиш ва интилишлар қулай ва замонавий шарт-шароитлардагина самара беради.

Улуғбек НУРМУҲАММЕДОВ

НАМУНАЛИ ТАЛАБАЛАР УЙИ

Ўзим ҳам талабалар ётоқхонасида яшаганман. Шу боис биламан: баъзан сув бор, баъзан йўқ. Қишда совуқ, ёзда бадбўй иссиқ ҳавода туриб бўлмайди. Қишлоғимизнинг тоза ҳавосини қўмсаб ўкинган пайтларим ҳам бўлган...

Назаримда, талабанинг ётоқхонаси шинам ва озода бўлса, у ҳам ана шунга одат қилади. Шу аснода улғаяди. Энг муҳими, шинам ётоқхонадан кўйлак ёқаси кирлаган, кийимлари бир аҳволда талаба шошиб ўқув даргоҳига йўл солмайди. Аксинча, озода кийинган, ораста йигит-қиз бамайлихотир ўқишга жўнайди. Чунки у, бузуқ разеткадан тўлиқ фойдаланолмай қийналмаган; иссиқ сув бўлмагани учун сув иситиб кир ювмаган; газ бўлмагани учун чой ичолмай боши қотмаган, хуллас, ҳамма нарса муҳайё бўлгани учун барча ишларини вақтида, соз бажарган. Шунинг учун ҳам шошилмасдан ўз вақтида ётоғидан чиқиб кетади. Биладики, бемалол ўқишга улгуради.

Афсуски беш қўл баробар эмасда...

Қувонарлиси, ана шундай шароитларни яратишга бўлган интилишнинг борлигидир. Зотан, Самарқанд вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тизимидаги ўқув юртлари бўйича «Намунали ўқувчи-талабалар уйи» кўрик танловининг ўтказилиши бундан нишона.

Tanlov

Танловни ўтказиш бўйича текширув эксперт гуруҳининг маълумотларига қараганда кўпгина ётоқхоналарнинг эскилиги, ётоқхона анжомларининг етишмаслиги, кутубхона, қироатхона, спорт, дам олиш заллари, ошхона ва маиший хизмат хоналари талаб даражасида эмаслиги кузатилган. Ана шундай ётоқхона ўқув муассаси раҳбарлари бундай ҳолатларнинг боисига моддий ва молиявий танқисликни боғлашган. Назаримизда, бундан ҳам кўра ана шундай раҳбарларда ташаббускорликнинг етишмаслиги ҳам сабаб бўлаётган бўлса ажаб эмас. Бунга қўшимча назоратсизлик ҳам мавжуд.

Бироқ танлов натижаларига кўра, бир нарсани қувониб айтиш мумкин. Самарқанд вилоятидаги ўқув муассасаларидаги талабалар уйларининг талабга жавоб бера оладиганлари талайгина экан. Улар орасида биринчи ўринни эгаллаган Каттақўрғон педагогика коллежи талабалар уйида яратилган шароит таҳсинга лойиқ.

320 ўринли ётоқхонада барча шароитлар муҳайё. Ўқув ва бадиий адабиётларни ўзида жамлаган кечки кутубхона талабалар хизматида. Юртимиз тарихи ва маданиятига оид кўргазмалар ва бурчаклар ташкил этилган: юмшоқ ва қаттиқ хона жиҳозлари билан таъминланган; маънавият ва маърифат хоналари кўнгилга таскин беради. Энг муҳими, санитария ва гигиениянинг қоидаларига ҳамда амалдаги тўғаракларнинг иш мазмунига мунтазам эътибор берилади. Шунингдек, хавфсизлик техникаси қоидаларини жорий этиш, талабаларга тиббий хизмат кўрсатиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга алоҳида аҳамият берилган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур даргоҳнинг ўқитувчи ва жамоатчи ходимларидан тортиб, ўқувчи талабаларигача ҳаммаҳаммаси ҳали биз айтган қоидага амал қилишади: «Озодалик, саромжон-саришталик!»

Саййид ОЛИМ, «Маърифат» мухбири

1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛИГА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ (БАКАЛАВРИАТ) ФАНЛАР БЎЙИЧА ТАВСИЯ ЭТИЛГАН ДАРСЛИКЛАР, ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР ВА ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

II-блок. Математика ва табиий фанлар.

Президентимиз И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV сессиясидаги ўз нутқида таълим тизими олдига «янги дарсликлар, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вактида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни алоҳида назорат остига олиш зарурлигини» вазифа қилиб қўйгандилар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган давлат таълим стандартларида кўзда тутилган иккинчи блок фанлари талабаларда коинотни физик тушунча эканлиги ва уни математик моделлаш, табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиатшунослик, инсон фаолиятининг экологик тамойиллари ва шу асосда яратилган янги кашфиётлардан фан, техника ва технологияларда фойдаланиш истиқболлари ҳақида аниқ тушунчалар беради.

№	Фанларнинг номи	Тавсия этиладиган асосий ва қўшимча адабиётлар	Нашр йили	Қайси тилда (рус-ўзб)	Муаллифнинг Ф.И.Ш.
	Олий математика	**Асосий адабиётлар:**			
		1.Олий математика асослари 1-2 томлар	1994-1998	Ўзбек	Жўраев Т. ва бошқ.
		2. Олий математика	1998	Ўзбек	Абдалимов Б.
		3.Олий математика 5 том	1992-1998	Ўзбек	Соатов Ё.
		4. Курс высшей математики	1992	Русча	Кудрявцев В.
		5. Высшая математика для экономистов	1998	Русча	Кремер В.
		6. Ҳисоблаш усули: машқ ва лаборатория ишлари	1995	Ўзбек	Абдулҳамидов А. ва бошқ.
		7. Математик анализ 1-2 томлар	1994,1995	Ўзбек	Азларов Т. ва бошқ.
		Қўшимча адабиётлар:			
		8. Олий математикадан мисоллар	1982	Ўзбек	Минорский Т.
		9. Олий математика асослари	1995	Ўзбек	Жўраев Т.
		10. Высшая математика	1990	Русча	Зайцев И.
	Комплекс ўзгарувчининг функциялар назарияси	**Асосий адабиётлар:**			
		1. Комплекс анализ	1998	Ўзбек	Худойберганов Г. ва бошқ.
		2. Комплекс ўзгарувчанликнинг функция назарияси	1984	Ўзбек	Сирожиддинов С.
		3. Основы теории аналитических функций комплексного переменного	1975	Русча	Бицадзе А.
		4. Введение в комплексной анализ	1985	Русча	Шабат Б.
		5. Лекции по теории аналитических функций комплексного переменного	1984	Русча	Сидоров Ю.
		Қўшимча адабиётлар:			
		6. Сборник задач по теории функций комплексного переменного	1979	Русча	Волковыский Л. и др.
		7. Сборник задач по теории вероятностей	1989	Русча	Зубков А. и др.
